



ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ: ТУШУНЧА, МАЪМУН ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАР

Холиков Фарход Уктамович

Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи,
криминология ва коррупцияга қарши курашиш”

кафедраси ўқитувчиси, fxolikov@internet.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-14>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2023

Accepted: 14th February 2023

Online: 15th February 2023

KEY WORDS

Юридик жавобгарлик,
жиноий жавобгарлик,
маъмурий жавобгарлик,
маъмурий преюдиция,
ижтимоий хавфлилик
даражаси, жиноят таснифи,
ижтимоий хавф.

ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф жиноий жавобгарлик ва маъмурий преюдиция тушунчалари, мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини ёритган.

Муаллифнинг қайд этишича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишнинг содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Аслида жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи назариясида ўрганиладиган марказий масалалардан бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари унинг асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда мазкур масала жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мақолада таъкидланишича баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликни амалга оширишда, хусусан қилмишни квалификация қилишда маъмурий преюдицияни қўллаш зарурати туғилади. Маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга илгари ҳам шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг жиноят қонуни Махсус қисмига тегишли моддасида белгилаб қўйилиши тушунилади. Бу ҳолатда шуни эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон



Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади. Маъмурий преюдиция қондасини қўллаш жараёнида ушбу қондани инобатга олиш зарурлиги қайд этилган.

Шунингдек, олимларнинг маъмурий преюдиция бўйича қарашлари, унинг жиноят қонунчилигида бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ҳамда муаллифнинг позицияси ўрин олган.

Кириш

Юридик жавобгарлик, жумладан, жиноий жавобгарлик асосан, шахс хатти-ҳаракатларининг жиноят қонуни нормалари талабларига мос келмаганлигининг оқибати сифатида қаралади. Аниқроғи жиноий жавобгарлик давлатнинг мажбурлов институти сифатида қонуннинг жазоловчи функциясини амалга оширади. Шубҳасиз, жиноят қонуни нормалари талабларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган шахс учун салбий ҳуқуқий оқибатлар, жавобгарликнинг ўзгармайдиган, доимий хусусиятидир. Шунингдек, юридик жавобгарлик универсал бўлмасдан, у майян макон ва замонга хос бўлади. Бу унинг муайян давлат ёки жамиятгагина хослигини кўрсатади. Шу жиҳатдан жиноий жавобгарликка тортишда маъмурий преюдиция институти айрим қилмишлар учун жавобгарликка тортишнинг муҳим шартларидан бири саналади.

Шу жиҳатдан ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва уни такомиллаштириш жиноят-ҳуқуқий сиёсатда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кундаги мамлакатимиздаги ислохотлар инсон қадрини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланишини ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда “2018-2021 йилларга мўлжалланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиқни такомиллаштириш Концепция”сини ишлаб чиқиш белгиланган эди [1].



Шунингдек, 2018 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, хусусан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш масаласи устувор масала сифатида белгиланган [2].

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “...жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши белгиланди [3].

Қайд этиш керакки, суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида амалдаги жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги юзасидан инвентаризациядан ўтказиш ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бунда, шубҳасиз тадқиқ этилиши ва такомиллаштирилиши лозим бўлган жиҳатлардан бири бу жиноят қонуни бўйича жавобгарлик ҳамда маъмурий преюдицияни қўллаш масаласидир. Негаки, мазкур мавзуларда жуда ҳам кам тадқиқот ишлари олиб борилган.

Материал ва методлар

Жиноят қонуни бўйича жавобгарлик ҳамда маъмурий преюдицияни қўллаш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш, мазкур ҳолатни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш. Бунинг учун таҳлил, тарихий-қиёсий услуб, абстракция ва таққослаш сингари илмий билишнинг усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида тақиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишнинг содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Аслида жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи назариясида ўрганиладиган марказий масалалардан бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари унинг асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда мазкур масала жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда.



Аксарият муаллифлар жиноят содир этиш вақтида вужудга келадиган жиноий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида содир этилган жинояти учун шахснинг жавоб бериш мажбурияти сифатида таърифлаганлар [4].

Жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясидаги бир қатор мунозара ва баҳсга сабаб бўлаётган мавзулардан ҳисобланади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноий жавобгарлик юридик табиатини ўрганишга бўлган қизиқиш фанда XX асрнинг 60-йилларига келиб шаклланди [5].

Жиноят ҳуқуқидаги асосий институтлар мазмуни қуйидаги учлик тизимида намоён бўлади: жиноят – жиноий жавобгарлик – жазо. Бу тушунчалар жиноят ҳуқуқи назарияси учун асосий, жиноят ҳуқуқи мазмунини ёритиб берувчи институтлардан саналади [6]. Ҳақиқатдан ҳам, жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқида ўрганиладиган марказий масалалардан саналади. Бинобарин, мазкур атама Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида тез-тез учраб туради, бироқ қонунда жиноий жавобгарликнинг мақсади ва мазмуни айрим хорижий мамлакатлар (ГФР, Франция) жиноят қонунларидаги каби очиқ берилган эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси “Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари, деб номланиб, унда жиноят учун жавобгарликка “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир”, деб таъриф берилган. Жиноий жавобгарликка шунга ўхшаш таъриф Белоруссия Жиноят кодексида ҳам берилган. Жиноий жавобгарликнинг асоси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишнинг содир этилиши ҳисобланади (ЖК 16-м., 2-қ.).

Юридик адабиётларда жиноий жавобгарликнинг моҳиятига турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.С.Якубовнинг фикрича, “жиноий жавобгарлик – суд томонидан салбий оқибатга эга бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш ёки жазо тайинламаган ҳолда ҳукм қилиш ёки жазо ҳисобланмайдиган бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан иборат бўлган, суднинг айблов ҳукмида асослантирилган мажбурлов чорасидир” [7].

Муаллифнинг фикрича, “жиноий жавобгарлик: а) ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир; б) у ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади; в) ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбурловида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид жиноий жазо ҳисобланмайдиган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади; г) жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва якунланади; д) фақат суд томонидан тайинланади” [8].

Н.И.Загородников: “жиноий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ЖК нормалари ҳамда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширилиши жараёнини ифодалайди. Ўз навбатида ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг якуний босқичи сифатида жиноят қонуни нормаларига мувофиқ вужудга келган жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ўзида жиноий жавобгарликни акс эттиради”[9]. Албатта, “жиноий жавобгарлик” тушунчасига берилган ушбу таърифни энг мақбул ва аниқ, деб бўлмайди, бироқ бу таъриф



В.М.Хомичнинг жиноий жавобгарлик жиноий қилмиш содир этган шахснинг суд томонидан жазога ҳукм қилиниб, унга жиноят қонунида назарда тутилган таъсир чорасини қўллаш сифатида тушуниш лозим [10], деган фикрига нисбатан тўғрироқдир.

Баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликни амалга оширишда, хусусан қилмишни квалификация қилишда маъмурий преюдицияни қўллаш зарурати туғилади. Маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга илгари ҳам шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг жиноят қонуни Махсус қисмига тегишли моддасида белгилаб қўйилиши тушунилади. Бу ҳолатда шуни эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади [11]. Маъмурий преюдиция қондасини қўллаш жараёнида ушбу қондани инобатга олиш зарур бўлади [12].

Маълумки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб, у маъмурий жазога тортилган деб эътироф қилинади. МЖТК нинг 37-моддаси мазмунига кўра, шахс янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса, жазо чорасини ўтай бошлаган кундан бошлаб бир йил давомида у жазоланган ҳолатда бўлади. Бу муддат маъмурий жазо чорасини ўташ муддатининг тугаши ҳисобланади. Шахс янги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда кучини йўқотиш муддати янги ҳуқуқбузарлик учун жазо чорасини ўташ муддати тугаган кундан бошланади. Маъмурий жазони ўтаб бўлишнинг бир йиллик муддати, уларнинг турларидан қатъи назар, барча маъмурий жазо чоралари учун белгиланган. Маъмурий жазони ўтаб бўлиш учун бир йиллик муддатнинг бошланиш нуқтаси тайинланган жазо чорасини ўташ тамом бўлган кун ҳисобланади. Башарти айбдор шахс асосий ва қўшимча жазо чораларига тортилган бўлса, у ҳолда бир йиллик муддат вақт жиҳатидан охириги ўтилган жазони ўташ муддати тамом бўлган кундан эътиборан ҳисобланади. Маъмурий қамоққа олиш ёки махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш қўлланилганда, жазо чорасини ўтаб бўлишнинг тугаш муддати ҳақиқатда маъмурий қамоқ муддатининг тугаши ёки фуқаро махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган муддатнинг ўтиб бўлиши билан мос келади. Маъмурий жазо чорасининг тугаши ҳеч қандай махсус ҳужжат билан расмийлаштирилмайди. У қонун билан белгиланган муайян шароитлар мавжуд бўлганда бир йиллик муддат ўтгандан кейин ва шу бир йил давомида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаган тақдирда бошланади.

Юқорида қайд этилганидай жиноят ҳуқуқи маълум даражада маъмурий ҳуқуқ билан боғлиқдир. М.Усмоналиевнинг тушунтиришича маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи жиноий ҳуқуқ бузишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Жиноят



кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида муайян қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс яна шундай қилмишни содир қилса қилмиш жиноятга ўсиб чиққан ҳисобланади ва шахс жиноий жавобгарликка тортилади [13].

1959 йилдаги Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида ҳа мазкурда тутилган. Жумладан, мазкур жиноят қонунининг 113-моддаси (Ҳақорат қилиш)да назарда тутилган қилмишлар – бировни ҳаракат билан, сўзда ёки хат орқали ҳақорат қилиш, яъни кишининг ҳурмати ва қадр-қимматини қасддан ерга уриш агарда, жамоат ёки маъмурий йўл билан чора қўллангандан сўнг такроран содир этилган бўлса жиноий жавобгарликни келтириб чиқарган [14].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида 66 та жиноят таркибида жиноий жазога сазовор қилмишни содир этганлик учун шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлсагина қилмиш жиноят саналади [15]. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш)да моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишни шахс худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган бўлса жиноий жавобгарликка тортилади.

Қайд этиш керакки, миллий жиноят ҳуқуқи назариясига кўра жиноий жавобгарликка тортишда қилмишнинг маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши талаб этилиши мазкур жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси саналади. Бироқ, айрим олимлар жиноят қонуни баъзи нормаларида маъмурий преюдицияни акс эттириш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўла жавоб бермаслигини, маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил ичида такроран содир этиш жиноятнинг сифат кўрсаткичини ҳам ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам оширмаслигини, шахс содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилгандан сўнг жавобгарликнинг оқибатлари ҳам тугатилиши лозимлигини таъкидлайди [17].

Х.Каримов ҳам бу ҳақда сўз юритиб Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 37-моддаси талабларидан келиб чиқиб “башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади”. Бу ерда муаллиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори мисолида тушунтиришга уриниб, Пленум қарорида келтирилган “маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб” тушунчаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддасидаги “маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб” тушунчалари бир биридан фарқ қилишини таъкидлайди. Унинг қайд этишича “маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноят таркиблари учун жиноий жавобгарлик вужудга келишига оид тушунтиришларда



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддаси талабларига асосан, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида такроран содир этилган ҳолдагина келиб чиқишига оид” тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бир йил ўтгандан сўнг содир этилиши қилмишни жиноят сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакалашга асос бўлади [16].

Маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш борасида турлича қарашлар мавжудлигини эътироф этар экан, Х.Каримов профессор Н.А.Лопашенко маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришни ёқласа [20], профессор В.П.Малков мазкур институтни қолдириш тарафдори [21]. В.В.Волженкин ва М.И.Ковалевлар жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияни мавжудлиги non bis in idem тамойилига зид [22], деб таъкидлашини келтиради. Ушбу олимларнинг қарашича шахс ўз қилмиши учун жавобгарликка тортилиб бўлинган, шунинг учун кейинги худди шундай қилмиши учун устига устак жиноят сифатида жавобгарликка тортиш учун эса асос йўқ деб ҳисоблайдилар. А.Г.Безверхов эса маъмурий преюдиция нафақат қилмишни жиноят сифатида белгилаш [23], шунингдек, жиноятларни қисман декриминализация қилинишига олиб келади деб таъкидлайди. Профессор Н.А.Лопашенко маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришни асоси сифатида шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида белгилашга асос бўлмаслиги керак [20], деб таъкидлайди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг бугунги шароитида М.Рустамбаев ижтимоий хавфлилик даражасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасида турадиган ножўя жиноий хатти-ҳаракат (уголовный проступок) учун жиноят қонунчилиги доирасида жавобгарлик белгиланишини таклиф этмоқда. Унинг таъкидлашича, ножўя жиноий хатти-ҳаракат (уголовный проступок) ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан кам аҳамиятли эканлиги, шунингдек уни содир этганлик учун жавобгарликнинг алоҳида режими амал қилиши лозим [19]. Назаримизда мазкур фикр жиноят қонунчилигини такомиллаштириш шароитида қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги мезонларини аниқлаштиришни бирмунча осонлаштиради.

Хулоса

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, Жиноят ҳуқуқи назариясида қилмиш учун жавобгарлик белгилашда маъмурий преюдиция институтини қўллаш масаласи инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим ўрин тутди;

Иккинчидан, маъмурий преюдиция назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилигига кўра бошқа жинотлардан ажралиб туради. Бошқача айтганда, агар қилмишда маъмурий преюдиция белгиланган экан, қонун чиқарувчи мазкур турдаги қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини нисбатан қуйроқ эътироф этганлигини билдиради.

Учинчидан, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасида турадиган ножўя жиноий хатти-ҳаракат (уголовный проступок) учун жиноят қонунчилиги доирасида жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ.



References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 PF-4947 "on the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan". Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017., Issue 6, Article 70.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3723-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3735818> (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan No. 3723 'On measures to radically improve the system of criminal and Criminal Procedure legislation'. <https://lex.uz/docs/3735818>)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063> (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan 'On the development strategy of New Uzbekistan for 2022 – 2026'. <https://lex.uz/docs/5841063>)
4. Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1982. – С.12-13. (Santalov A.I. Theoretical issues of criminal responsibility. – L.: Leningrad University Publishing House, 1982. – pp.12-13.)
5. Курс российского уголовного права. Общая часть / Под ред. В.Н. Кудрявцева и А.В. Наумова. - М., 2001. - С. 473. (The course of Russian criminal law. General part / Edited by V.N. Kudryavtsev and A.V. Naumov. - M., 2001. - p. 473.)
6. Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве. // Ж. Хуқуқ-Право-Law. 2005 (3) 31. – С.33. (Bazarbayeva G. Differentiation of responsibility in criminal law. // Zh. Xukuk-Pravo-Law. 2005 (3) 31. – P.33.)
7. Якубов А.С. Современное понятие уголовной ответственности и ее оснований // Хуқуқ-Право-Law. – 2001, №4. – С.71. (Yakubov A.S. The modern concept of criminal responsibility and its grounds // Xukuk-Pravo-Law. – 2001, No. 4. – P.71.)
8. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С. Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б.186. (Criminal law. General part: textbook. / A.S. Yakubov, R.Kabulov et al. - T.: Mia Academy of the Republic of Uzbekistan, 2004. – p.186.)
9. Загородников Н.И. О содержании уголовно-правовых отношений // Сов. государство и право. 1963. №11.-С.68. (Zagorodnikov N.I. On the content of criminal law relations // Soviet State and law. 1963. No. 11.-p.68.)
10. Хомич В.М. Понятие уголовной ответственности и совершенствование законодательства / В сб.: Актуальные вопросы реформирования уголовного законодательства. – Тарту, 1989. – С.49. (Khomich V.M. The concept of criminal responsibility and improvement of legislation / In the Collection: Topical issues of reforming criminal legislation. – Tartu, 1989. – p.49.)
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/22/810/1095-сон. <https://lex.uz/docs/97664#4775713> (Code of administrative responsibility of the Republic



of Uzbekistan. National database of Legislative Information, No. 03/22/810/1095. <https://lex.uz/docs/97664#4775713>

12. М.Х.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраров. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. БВ-Ф7-007-016 рақамли давлат гранти асосида chop этилган. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. -166 бет. –Б.92. (M.X.Rustambaev, G.R.Abdurasulova, B.J.Akhrarov. Problems of development of the concept and doctrine of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. Published on the basis of the state grant number BV-F7-007-016.- T.: Tdyui publishing house, 2011. -166 page. –p.92.)

13. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.— Т., «Янги аср авлоди», –Б.16. (Usmanaliev M. Criminal law. General part. Textbook for higher educational institutions.- T., "Generation of the new century", - p.16.)

14. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. (1971 йил 1 январгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). – Т., Ўзбекистон. 1971. –Б. 93. (Criminal Code of the Uzbek SSR. (With changes and additions until January 1, 1971). - T., Uzbekistan. 1971. –p. 93.)

15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453> (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. <https://lex.uz/docs/111453>)

16. Каримов Х. (2020). Некоторые проблемы квалификации существующих преступлений института административной ответственности. Обзор законодательства Узбекистана, (3), 67–71. <https://inlibrary.uz/index.php/uzbek-law-review/article/view/1838> (Karimov X. (2020). Some problems of qualification of existing crimes of the institute of administrative responsibility. Review of Legislation of Uzbekistan, (3), 67-71. <https://inlibrary.uz/index.php/uzbek-law-review/article/view/1838>)

17. Махкамов О.М. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид.фанлар доктори илмий дар. олиш учун дисс. автореферати. –Т:, 2015. –Б. 15. (Makhkamov O.M. Criminal-legal and criminological aspects of tax or other mandatory payment evasion: Jurid.doctor of Sciences Scientific dar. diss to obtain. abstract. - T:, 2015. –p. 15.)

18. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.— Т., «Янги аср авлоди», –Б.111. (Usmanaliev M. Criminal law. General part. Textbook for higher educational institutions.- T., "Generation of the new century", - p.111.)

19. М.Рустамбаев. Необходимо принять кодекс о проступках. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. №3, 2018. – Б. 13. (M.Rustambayev. It is necessary to adopt a code of misconduct. Bulletin of the Academy of the prosecutor general's Office of the Republic of Uzbekistan. №3, 2018. – pp. 13.)

20. Лопашенко Н.А., Административной преюдиции в уголовном праве – нет! / Н. А. Лопашенко // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 64–71. (Lopashenko N.A., There is no administrative prejudice in criminal law! / N. A. Lopashenko // Bulletin of the Academy of the Prosecutor General's Office of the Russian Federation. - 2011 – No. 3 (23) – pp. 64-71.)

21. Малков В.П., Административная преюдиция: за и против / В. П. Малков // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 58–64. (Malkov V.P., Administrative prejudice: pros and cons / V. P. Malkov // Bulletin of the



Academy of the Prosecutor General's Office of the Russian Federation. - 2011 – No. 3 (23) – pp. 58-64.)

22. Волженкин Б.В., Принцип справедливости и проблемы множественности преступлений по УК РФ // Законность. – М., – 1998 – № 12 – С. 2–7; Ковалев М.И., Преступление и проступок // Проблемы совершенствования законодательства по укреплению правопорядка и усиление борьбы с правонарушениями: межвуз. сб. науч. тр. Свердловск: Изд-во Свердл. юрид. ин-та, 1982. – С. 3–14. (Volzhenkin B.V., The principle of justice and the problems of multiplicity of crimes under the Criminal Code of the Russian Federation // Legality. – M., – 1998 – No. 12 – pp. 2-7; Kovalev M.I., Crime and misconduct // Problems of improving legislation to strengthen law and order and strengthening the fight against offenses: mezhvuz. Collection of scientific tr. Sverdlovsk: Publishing house of Sverdlovsk. jurid. in-ta, 1982. – pp. 3-14.)

23. Безверхов А.Г., Административная преюдициальность в уголовном законодательстве России: истоки, реалии, перспективы // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия: Право – 2011 – № 2. – С. 40–41. (Bezverkhov A.G., Administrative prejudice in the criminal legislation of Russia: origins, realities, prospects // Bulletin of the Samara Humanitarian Academy. Series: Pravo – 2011 – No. 2. – pp. 40-41.)

24. Uktamovich K. F. TYPES AND CRIMINAL LEGAL ASPECTS OF THEFT OF PROPERTY USING BANK PLASTIC CARDS //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 7-10.

25. Ugli O. B. I. RISKS OF THE USE OF FINANCIAL TECHNOLOGIES FOR MONEY LAUNDERING AND TERRORISM FINANCING: TYPOLOGIES AND FORECAST //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 15-19

Холиков Ф. У. АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ //International journal of conference series on education and social sciences (Online). – 2022. – Т. 2. – №. 6.